



adabiyot ISLAMONLINE.UZ

## Бобом сўзин тушунгим келар...

Маколამиз кахрамони бир катта шаҳарда хоким бўлган, улкан мамлакатда бош вазир вазифасида ишлаган буюк шахс. У – ҳаётини халқ манфаати учун бағишлаган фидокор. У – ўнлаб мадрасалар қурган, юзлаб масжидлар барпо қилган, эл учун анхор-ариклар қаздирган ихлосли мансабдор. У – қундузларини халқ хизматида, тунларини Ҳақ ибодатида ўткизган обид банд. Зотан у тўққиз ёшда Қуръони Каримни тўла ёд олган, балогат ёшига етиб-етмасданок зўр мулло, комил мусулмон бўлиб етишган, олим, фозил инсон, Қуръони Карим, тафсир, фикх, ҳадис, балогат, шеърят, адабиёт, тилшунослик, фалсафа ва бошқа илмларни эгаллаган забардаст аллома. Сиз кахрамонимизни яхши тасаввур қилиб олдингиз-а? Энди у инсон ҳақида уни танимаган ёки таниб, ўзини танимасликка олган киши томонидан «У арокхўр одам экан, боз устига бир кизга хуштор бўлиб қолиб, ақлидан айрилай дебди. Ёши олтмишга бориб қолганига қарамай, қирк йилдан буён ўша маъшуқасини мактар, унга етишолмай, бор-будини ҳазон қилган экан» деган гапни эшитсангиз, бунга қалбингиз ишонадимиз? Ақлингиз бовар қиладимиз?! Йўқ,

албатта!

Кахрамонимиз исми шарифи Алишер. Ихлосли, фазилатли мусулмон оиласида дунёга келган. Ёшлигиданок ўзига «Навоий» деган тахаллусни ихтиёр килган. Келинг, энди мақсадга ўтайлик.

Навоийнинг шеърлари беш-олти ёшимдаёқ калбимни ўзига ром этган эди. Ёшим улгайиб, аклим тўлиб, билимим ортган сайин Навоийнинг ижоди билан кўпроқ танишишга, унинг мақсадларини тушунишга бўлган иштиёким ва имкониятим ортиб борарди. Баъзан ўйлаб қолар эдим:

«Нахотки, шундай буюк шахс бир кизнинг ишида шунча девонлар, дostonлар ёзиб юборган бўлса?! Шахватпарастлик ҳеч қачон инсон фарзандига шараф олиб келган эмас. Навоийнинг сўзларида ўзига хос бир атамалар, мажозий меъёрлар бўлиши керак. Нафс истакларини қондиришни бирламчи гоёга айлантириб олган ҳозирги кишилар олдида ҳам бирорта шоир аёлларни ёки ичкиликни макташ билан обрў топгани йўқ. Исломиё тасаввуф гуркираб яшнаган, ахлокий меъёрлар бош қонун бўлган даврда бутун халқ орасида, олиму фозиллар, подшоҳу вазирлар, аҳли тасаввуф ва зоҳидлар қошида қандайдир шилқимона олди-қочдилар билан бекиёс хурматга сазовор бўлиш мумкинми?! Йўқ! Асло мумкин эмас! Навоий бошқа нарсани назарда тутган бўлса керак. Унинг ўзига хос услуби бўлиши керак».

Бундай фикр фақат менинг эмас, менимча, ҳар қандай оддий ақл соҳибининг хотирига келган.

Қолаверса, устозларимиздан бири айтганидек, ҳозир ҳам агар бирор вазир ўзи ҳақида «фалон вазир фалон кизга хуштор бўлиб қолибди» деган гапни эшитса, бу гап рост бўлган тақдирда ҳам, ўша гапни айтган одамни, керак бўлса, ўлимга ҳукм қилади. Аслида бир мамлакатнинг вазири бўлиб турган, тасарруфида ҳисобсиз бойлик қалашиб ётган эркак учун битта кизни ўзининг хоҳишига юргиза олмаслик ақлга ҳам, воқеъликка ҳам тўғри келмайди.

Демак, бу ерда бошқа гап бор. Хўш, нима қилиш керак?

Навоийни тушуниш учун Навоийнинг даврига қайтиш керак, албатта. Маълумки, Алишер Навоий даврида бошқа илмлар қатори тасаввуф илми ҳам ривожланган эди. Алишер Навоий ҳам нақшбандия тариқати солиқларидан эди. Бинобарин, Навоийни тушуниш учун исломиё илмларни, жумладан тасаввуф илмини ҳам билиш лозим бўлади. Ҳар бир илмнинг ўзига яраша атамалари бўлганидек, тасаввуфнинг ҳам ўзига хос атамалари бўлиши табиий. Ибн Синонинг сўзларини тушуниш учун таъобат атамаларини, Форобийнинг фикрларини илғаш учун фалсафий ибораларни, муҳаддисларнинг сўзларини англаш учун ҳадис илми истилоҳларини билиш лозим бўлганидек, тасаввуф аҳлининг сўз-ибораларини тўғри тушуниш учун ҳам уларнинг ўзларига яраша атамаларини тушуниш керак бўлади.

Масалан, «сахих» деган сўз лугатда «соғлом, тўғри», фикр илмида «тўғри, ҳато эмас», ҳадис илмида «ишончли», сарф илмида «иллат ҳарфлардан холи сўз», табибларда «соғ-саломат» деган маънода тушунилади. Бинобарин, «сахих» сўзини қайси маънода тушуниш бу сўзнинг қайси илмга оид қитобда қелаётганига қараб таъйин топади. Яна бир мисол учун «вазн» сўзини олайлик. Бу сўз умумий ҳолатда «огирлик» маъносини билдиради. «Фалон нарсанинг вази фалонча грамм», деганга ўхшаш. Аммо бу сўз шеърятда келса, маълум ритмга эга маълум бўгинлар йигиндиси тушунилади. Сарф, яъни морфологияда эса бу атама сўзларнинг «фа», «ъайн», «лам» муқобилидаги ҳолатини ифода қилади. «Вазн» сўзининг истилоҳий маъноларидан беҳабар одамдан

«Навоий» кайси вазнда?» деб сўралса, ҳеч нарсани тушунмай туриши турган гап. Сарф истилохидан хабардор кишигина бу саволга «Фаъолий вазнда», деб жавоб бериши мумкин. Аруз истилохларини билган инсон эса «фаъулун» вазнда деб жавоб қилади. Худди шунингдек, тасаввуфга доир сўз ва асарларни ҳам тасаввуф истилохларисиз тушуниш имконсиз.

Хар бир илмнинг атамаларини ўша илмнинг мутахассисларидан ўрганилганидек, тасаввуф ахлининг истилохларини ҳам ўшаларнинг ўзларидан ўрганиш керак. Бу ўринда тахмин билан иш кўриш, ўзбошимча «ижодий» ёндашув, бу илмдан хабарсиз ҳолатда оғзига келганини гапириш ёки «ўтмишни ҳозирга мослаб талкин қилиш» кабилига ўтиш ярамайди.

Камина шу мақсадда Ислому уламоларининг турли исломий атамаларни, хусусан тасаввуфий истилохларни ёритган асарларига мурожаат қилдим. Шундан кейингина мен учун мушкул бўлиб турган бир қанча саволларга ўзимда жавоб топгандек бўлдим. Тасаввуф илми ҳам, бошқа исломий илмлар каби, Исломнинг илк даврларида алоҳида илм сифатида шаклланган эмас эди. Балки мусулмонлар билган Куръон ва суннат илмларининг ичида умумий тарзда ўрганилар эди. Вакт ўтиши билан Куръон ва Суннатдан олинган илмлар турли соҳаларга ажралиб, алоҳида-алоҳида илм сифатида шакллана борди. Хар бир соҳанинг ўзига яраша мутахассислари етишиб чиқа бошлади. Шу қатори Исломда инсоннинг ахлоқиқа, қалбига, рухий тарбиясиқа оид илмлар ҳам бир тўплам бўлиб ажралиб чиқди. Бу илмга доир билимларни жамлаб, алоҳида ривожлантириш учун махсус уламолар етишиб чиқди. Улар ўзларининг саҳобаи қиомлар ва тобеинлардан олган илмлари ҳамда ҳаётий тажрибаларидан келиб чиққан билимларни алоҳида қитобларга туширишга қиришишди. Кейин бу илмга «тасаввуф» деб ном берилди. Мусулмонларнинг орасида ушбу илмга алоҳида берилган, асосан қалбга доир илмлар билан шугулланадиган, замона фитналаридан ўзини узоқроққа олиб қочадиган, тоат-ибодат, тақво ва қалб ислоҳиқа ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳаракат қиладиган қишилар пайдо бўлди. Ана ўша қишилар «зоҳидлар», «обидлар», кейинроқ «сўфийлар» деб ном олди.

Сўфийларнинг баъзиларида ўзларидаги рухий ўзгаришлар, маънавий қамолот босқичлари, қалбаларида ҳосил бўлаётган қечинмаларни сир тутат олмай, айтиб юбориш ҳолатлари юзага қелди. Бундай ботиний ҳолатларни ҳаммага ҳам айтиш раво бўлмаслигини билган баъзи қишилар ўзларига ҳос атамаларни ўйлаб топишди. Улар бу билан ўз қечинмаларини фақатгина ўзларига ўхшаган ҳолатдаги қишилар тушунадиган тарзда баён қилишни ирода қилишган эди. Бунинг учун сўзларни омма ишлатиб юрганидан бошқа маъноларда ишлатиш керак эди. Қолаверса, агар улар ўзларининг ички ҳолатларини намоян қилиб қўйишса, тушунмаган, уларнинг ҳолатини ҳис қила олмайдиган айрим инсонлар уларга таъна қилиши ҳам муқаррар эди.

Улар ана шу мажоз йўли билан ҳам ўзларидаги ҳолатни изҳор қилишга ва айна пайтда маҳфий тутишга эришдилар. Қалб дардини тўқиш билан бирга риёдан ҳам саклана олдилар. Ўзларига эргашганлар учун ибрат яратиш билан бир вақтда уларни инкор этувчилардан ўзларини тўса олдилар. Шу билан бирга, ўша ҳис ва қечинмаларни мажоз билан ифодалашда ўзига яраша завқ ҳамда балогат ва фасоҳатнинг намойиши ҳам бор. Балки уларнинг рухий оламларида рўй бераётган ҳолатларни жўн сўз билан ифода қилишнинг имкони ҳам йўқ эди. Абдурахмон Жомийнинг айтишича, бундай йўлни биринчи бўлиб тутган шахс, Зуннун Мисрий бўлган.

Хар қандай мураккаб ва қенг илмнинг ҳам бошланиш нуқтаси қичик ва содда бўлгани

каби, тасаввуф атамалари хам илгарги холатида унча кўп бўлмаган. Аммо вақт ўтиши билан бу майдон хам кенгайиб кетди. Тасаввуфий истилохлар икки қисмга: хақиқий ва мажозийларга бўлинди. Хақиқий маънодаги истилохларга мисол тариқасида «тавба», «риё», «узлат», «ихлос», «мухаббат» каби сўзларни келтириш мумкин. Мажозий истилохларга «фано», «бако», «ишк», «хижрон», «зулм», «аҳдга вафо», «ёр», «дилдор» каби сўзларни келтириш мумкин. Аввалги қисмининг аксари Куръон, Суннат ва салафи солихларнинг сўзларидан олинган бўлса, кейинги қисм атамалар, юқорида айтиб ўтганимиздек, ўз холатини оммадан яшириш мақсадида пайдо бўлган. Эҳтимол, улар хали келажакда жинсий майлни ҳаётнинг бош мақсади қилиб оладиган хозиргидек жамиятларнинг келишини тасаввур хам қила олмагандирлар.

«Сўфийлар истилохи» деганда «сўфийнинг илохий висолга етишиш йўлида қилган покланиш, хулкланиш ва етишишдан иборат уч босқичли руҳоний сафари асносидаги завқий тажрибаларини акс эттирувчи тушунчаларни ифодаловчи сўзлар» назарда тутилади.

Тасаввуф истилохларининг шаклланиши ва бойиб боришида Куръони Карим, Суннати набавийя, салафи солихларнинг хикматлари катта ўрин эгаллаган бўлса, шу билан бирга бошқа илмларнинг, жумладан фалсафанинг хам таъсири катта бўлган.

Сўфийларнинг истилохлари бошқа илмлардаги истилохлардан шуниси билан фарқ қиладики, бу истилохлар муайян бир маънога боғланиб қолмай, бир неча ирфоний маъноларда ишлатилиши мумкин. Уларнинг қайси маънода қўлланилганини атрофидаги бошқа сўзлардан чиқариб олинади. Масалан, «ёр» деганда Аллох таолони тушуниш хам мумкин, Расулulloх соллаллоху алайхи васалламни ёки пирни тушуниш хам мумкин, шунингдек, гайбий мушоҳада назарда тутилиши хам мумкин.

Тасаввуф ахлининг намояндаларидан бўлган Алишер Навоийнинг асралари хам, табиийки, ўша истилохий маънолар асосида талқин қилиниши шарт. Акс холда, шундай улуг шахсиятга тил теккизган, унинг омонатига хам, тарихга хам, илмга хам хиёнат қилган бўламиз.

Тўғри, яқин вақтлардан бери Навоийнинг айрим шеърларини тасаввуфий шархлаш хам учраб турибди. Аммо улар кўплари бирламчи ўринда ўзларининг гайриисломий тасаввурлари билан, таъбир жоиз бўлса, ҳавойи нафсларига мувофиқ тарзда шархлаши кузатиляпти. Тасаввуфий шарх қилмокчи бўлганлар хам муқаррар илмий асосга, чин тасаввуфий истилохга таянмаган. Балки бу шархларнинг аксари мавҳум талқинлар, тушунарсиз, гажакдор иборалар, ҳиссиз таъбир, тахминий тасаввурлардан бошқа нарса бўлмай қолган. Бунинг устига баъзи бир журъатли қаламкашлар ўшандай тасаввуфий газалларга мухаммас боғлашга хам қўл теккизишган. Табиийки, натижа «қовунга қовокни пайванд қилгандек» бўлган.

«Илм ҳар қандай мураккаб нарсани соддалаштириб беради» деган қоидага мувофиқ, агар биз ўша ирфоний шеърларни муаллиф назарда тутган истилохлар билан тушунишни йўлга қўйсак, ўзимизни хам қийнамаймиз, ўзгаларни хам адаштирамаймиз.

Мисол учун биргина байтни шарх қилиб қўрайлик:

Тун окшом келди қулбам сори ул гулруҳ шитоб айлаб,

Хироми суръатидин гул уза хайдин гулоб айлаб.

Насрий баён:

Окшом тунда ўша гулюзли ёр қулбамга шитоб билан қириб келди. Юриши тезлигидан гул юзидан терлар гулоб бўлиб қуйиларди.

Маълумки, Алишер Навоий уйланмай ўтган. Агар кечқурун Навоийнинг ҳузурига ҳамма

гафлатдалик пайтда у кишининг севган кизи келган бўлса, бу сир тутилиши керак. Агар биз байтни мана шу кабилда, бошқача килиб айтганда, «замонавий» тушунадиган бўлсак, бу билан Навоийга факат иснод келтиришимиз мукаррар. Навоийдек буюк инсонни кўйинг, хар кандай ўзини хурмат килган одам хам, бундай иш рўй берган бўлса, уни бошқалардан яшириши турган гап. Демак, Навоий бошка нарсани кўзда тутган.

Навоийнинг максadini тушуниш учун у кишининг истилохларини тушунишга уринамиз. Келинг, бу байтда ишлатилган сўзларни тасаввуфий истилохлар асосида шарх килиб кўрайлик. Бу борада Мухаммад Алий Тахонавийнинг «Кашшаф истилахат ал-фунун», Абдурраззок Кошонийнинг «Истилахат ас-Суфийя», Докор Рафик Ажамнинг «Мавсуъат мусталахат ат-тасаввуф ал-ислабий» асарлари бизларга асос бўлади:

Кулба – соликнинг калби; (солик тарикат йўлини танлаган шахс)

Гулрух (гулюз) – шухуд олами, яъни Аллох таолонинг зотини мушохада килиш холати;

Гул уза хай (юздан оккан тер) – гайбий илхом.

Энди ушбу изоҳлар асосида байтнинг насрий баёнини кўрайлик:

«Хамма ёкни жахолат зулмати коплаб турган бир пайтда калбимда Аллох таолонинг зотини мушохада килиш холати юз берди. Бу мушохада шу қадар тез рўй бердики, унинг тезлигидан менга гайбий илхомлар хосил бўлди».

Энди ўзингиз холис ўйлаб кўринг, Навоийга нисбатан аввалги уятли маънони ирода килиш ақлга тўғрирок келадими ёки мана бу ирфоний маъноларними? Кайси бири воқеъликка ва мантикка тўғри келади? Бир тафаккурни ишлатиб кўринг,

Навоий ахли жунун зумрасига кирди, Илохий,

Чу айладинг ани мажнун, Ўзингни кил анга Лайло.

Тўрт унсур кайдидин то чикмагайсен, нафъ эмас,

Осмоний тўрт дафтарни тутайким ёд бил.

Беша шерин гар забун килсанг шижоатдин эмас,

Нафс итин килсанг забун, оламда йўк сендек шужоъ.

деган инсонга кайси маъно муносиброк?!

Келинг, яна бир мисолни кўрайлик. «Хазойнул-маъоний»нинг биринчи газалида Навоий шундай дейди:

Гайр накшидин кўнгил жомида бўлса занги гам,

Йўктур, эй сокий, майи вахдат масаллик гамзудо.

Бу байт анчагина равшан.

Гайр – Аллохдан ўзга барча нарса;

Кўнгил жоми – калб ойинаси, унда Аллох таолонинг нури тажаллий килади.

Гам – монёлик, тўсик;

Сокий – муршиди комил, инсонларга рухий тарбия берувчи устоз.

Майи вахдат – тавхид завки.

Энди байтни мазкур истилохлар асосида насрий баён килиб кўрамиз:

«Эй муршид! Калб ойинасида унга Аллох таоло томонидан етадиган нурнинг акс этишини тўсадиган занг, яъни Аллохдан бошка бирор нарсанинг накши – таъсири бўлса, тавхид завкичалик уни аритувчи, тозаловчи нарса – «гамзудо» топилмайди».

«Тавхид» деганда калб тубидан Аллох таолони барча жихатдан ягона, мутлак танхо деб эътикод килиш, факат Аллохни риоя килиш, факат уни ўйлаш назарда тутилади.

Шунингдек, «вахдат майи» деганда тавхид калимасини ҳам тушуниш мумкин. Хазрат Навоий унинг айтган сўзларини максаддан бурадиган, нотўгри талкин киладиган кишилар ҳам унинг асарларини ўқиб, ташвик килишлари мумкинлигини сезгани учун девонининг энг биринчи газалидаёк бу нуктага алохида танбех бериб қўйган. Юкорида биз биргина байтини ўқиб ўтган «Ашракат» деб бошланувчи газалида яна шундай байт бор:

Сен гумон килгандин ўзга жому май мавжуд эрур,  
Билмайин нафй этма бу майхона ахлин, зохиδο.

«Эй тасаввуф ахлининг истилохларидан беҳабар зохирпараст! Сен ўйлаётган маст килувчи, аклни кетказувчи, инсонни хор килувчи шароб ва ўша харом нарса куйиладиган идишдан бошка ҳам шартли равишда «жом» ва «май» бор. Бу майхонани – орифларнинг ботиний олами вакилларини (ёки муршид хонакоси ахлини) билмасдан инкор килиб юрма!»

Хулоса килиб айтганда, Навоийни тушуниш учун Навоий билган ва фойдаланган билимларни, яъни Куръон, Суннат, шариат, тарикат, тасаввуф ва бошка илмларни билиш, ўрганиш керак бўлади. Ўрганганда ҳам асл манбалардан ўрганиш даркор. Бунинг учун, албатта, ўша давр Ислом оламида илмий муомалада бўлган тилларни яхши ўзлаштириб, манбаларни бегоналарнинг таржима ёки тавсифлари асосида эмас, асл холатида ўрганиш талаб килинади. Бинобарин, навоийшунос бўлишни истаган киши аввало ислом олими, тасаввуф билимдони бўлиши, бу илмларни билибгина қўймай, уларни ўз хаётида татбик этиб, зикр килинган даражаларни ўзида жорий килган бўлиши лозим. Шундагина у Навоийни тўла тушунган, у кишининг шахсиятини тўгри англаган, сўзларини яхши хис килган бўлади. Менимча, бугунги навоийшуносликнинг олдида турган энг катта муаммолардан бири шу бўлса, ажаб эмас.

Улуг бобокалонимизнинг меросларини тўла ва тўгри тушуниш ҳамда шундай талкин килиш, бу олтин меросни хақикий, соф холатда кейинги авлодларга етказиш биз фарзандларнинг бурчимиздир. Бундай улкан вазифани шараф билан адо килиш бахтини хозирги илм ва маърифат кишиларига, алалхусус, Алишер Навоийга ўзини авлод деб билган сизу бизларга насиб килишини Аллох таолодан сўраб қоламан.

Хусайнхон Яхё